**Ислом КАРИМОВ:**
**Ҳамма нарсани шу эл, шу юртга меҳр қўйган, мард ва танти, лафзи ҳалол меҳнаткаш халқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳал қилади.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## Андижон

(Боши 1-бетда)

Ҳозирги кунда беш мингдан зиёд жамоа шартномалари тузилиб, уларнинг бажарилиши таҳлил этилаяпти. Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида ишларни янада яхшилаш чоралари кўрилаяпти. Бу соҳада айниқса, фаолларнинг яқиндан ёндошаётгани қўл келмоқда. Масалан, ҳар йили Асака, Олтинкўл, Балиқчи, Шаҳрихон, Андижон каби аҳолиси зич ва ишлаб чиқариши ривож топган туманларда семинар-кенгашлар, учрашув ҳамда очиқ мулоқотлар ўтказиб турилади.

Ютуқлар ҳақида мулоҳаза юритилса, улар жуда кўп. Бироқ тан олиш керак, қисқа даврда бундай ортда қолди. Истиқлолга эришганимизнинг дастлабки йилларида Андижонда ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эди. Хусусан, одамларнинг доимий ишли бўлишини таъминлаш, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш масалалари республика миқёсида таққослаб кўрилса, вилоят ўрта даражадан ҳам орқада бўлгани сир эмас.

Ана шундай бир пайтда касаба уюшмалари аввало мутасаддилар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлади. Натижада ҳамкорликда инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига янги аср бошига келиб нуқсонлар бартараф этилди. Бунлаштирилди. 130 нафар ёлғиз қариялар эса касаба уюшмалари ҳисобидан саломатликларини тиклаб олишди.

Асосий масалалардан яна бири, бу — ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларга етарлича шароитлар яратиб беришдир. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортга уларни жалб этиш бўйича бирлашма мутахассислари, туман ҳокимлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказлари, "Маҳалла" жамғармаси, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан биргаликда тадбирлар ўтказиб келинаяпти. Жумладан, қишлоқ ва маҳалла гузар

# ЁРУҒЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ ГАШТЛИДИР

натижаларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Инсон манфаатларининг устуворлик касб этгани, касаба уюшмалари фаолиятини даврга мослаб олгани бош омил бўлди. Шунга қарамай ҳали олдимизда ечимини кутаётган долзарб ишлар анчагина. Масалан, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳали-ҳануз муаммолар учраб турибди. Сабаби битта: баъзи иш берувчиларнинг амалдаги қонунларга риоя этмаслиги ёки уни пухта билмаслигидир.

Чунончи, шу соҳада олти ойлик якун юзасидан 275 та корхона ва ташкилотлар фаолияти таҳлил этилганда 1356 та меҳнатни муҳофазалаш бўйича қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Касаба уюшмаси аралашуви билан улар бартараф этилди.

Бозор иқтисодига ўтишдан мақсад битта яхши ишлаб, фаровон турмуш кечиришдан иборат. Вилоятдаги аксарият корхона ва ташкилотларнинг иш берувчилари давр талабини теран англаб, ўз фаолиятларини шунга мослаштириб олишган ҳамда касаба уюшмаси билан тузилаётган жамоа шартномасига амал қилиб, унинг бандларини тўлиқ бажараяпти. Меҳнат аҳлига шароит яратиб, иш ҳақидан узилишларга йўл қўймаяпти.

Оғир ва синовли дамларда бандлик масалаларига ҳам эътибор кучайтирилиб, Наманган, Фарғона каби вилоятлар тажрибасидан фойдаландик.

Муҳими, Андижонда сўнгги ўн беш йил оралиғида жуда кўп ишлар қилинганини, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида, ижтимоий масалаларни қарор топтиришда ўзига хос тажрибалар мавжудлигини кўпчилик яхши билади. Бунда касаба уюшмалари ва унинг таркибидаги кўпминг сонли меҳнат аҳли ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида ўтган даврда эришган ютуқларимиз қатори, олдимизда турган муҳим вазифалар ҳам белгилаб берилди. Одамлар маънавияти ва ҳуқуқий онгини шакллантиришда, ижтимоий инфратузилмани бозор талабига мослаштиришда жуда кўп изланишлар қилишимиз лозим.

Қурултой қарорларидан сўнг барча мутахассислар ва фаолларни туманларга сафарбар этиб, таҳлиллар ўтказдик. Ишловчилар фарзандларини соғломлаштириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, тунги сменада меҳнат қилаётганларга янада яхшироқ шароитлар яратиш, илғорларни рағбатлантириш ҳамда иш ҳақидан узилишлар бўлишига йўл қўймаслик мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

Шунга биноан саккиз ой оралиғида мингдан зиёд меҳнаткашлар вилоят ва республика сиҳатгоҳларида соғломларида, корхона, ишлаб чиқариш ташкилотларида ҳафтанинг икки куни ишдан сўнг уч соат ўзаро мулоқотлар ҳамда ўқувлар йўлга қўйилди. "Ҳуқуқшунос аёл", "Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингиз давлат ҳимоясида", "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асослари", "Мустақиллик ва мен", "Маҳалла ватан ичра ватандир" каби мавзуларда ўтказилаётган очиқ мулоқотларда ўзаро фикрлар алмашилаяпти.

Масалан, ана шундай учрашувлардан сўнг Булоқбоши, Олтинкўл, Избоскан, Жалақудуқ, Қўрғонтепа туманларида касаначилик, ҳунармандчилик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига 12 минг нафар кишига иш ўрни яратишга эришилди.

Ҳа, мустақиллик касаба уюшмаларига ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Шукуҳли кунлар қадрига етиб, истиқлол пойдеворини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада ривожлантириш ишлари бундан кейин ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади. Зеро, бу кунларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Машойихлар дермишки, ёруғликка интилиб яшашнинг гашти нақадар тотлидир.

**Қодиржон ПАРПИЕВ,**
**вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси**

***Ҳар бир юрт ва шаҳар ўзига хослиги билан донг таратган. Дейлик, кўҳна Рим антик даврга мансуб осори-атиқалари билан, Париж атир-упалари, Лондон қуюқ туманлари, Бухоро азиз авлиёларининг кўплиги билан, Гоброво латифалари билан машҳур. Мазкур жиҳатлар бу шаҳарларнинг характерини белгиловчи омиллардир ва уларда яшовчи кишилар шулар билан фахрланади.***

# МИЛЛАТ ОРИ

Хўш, унда Андижон аталмиш қадим маъво нимаси билан машҳур? Айтиш мумкинки, у ўз одамлари, уларнинг бетакрор феъли билан шуҳрат қозонган.

Андижон уч минг йилдан зиёд тарихга эга. Бу юрт заминида шуҳрат қозонган Довон давлатини мутахассислар яхши билади. Айнан мана шу юрт халқи дунёга хавф туғдирган кўп давлатлар йўлига ғов бўлган. Аслида ҳам азал-азалдан мардлик, жасурлик, сахийлик андижонликларнинг қонида бор.

— Икки-уч улфат Бухорога саёҳату зиёратга боргандик, — дея ҳикоя қилганди бир танишим. — Ниҳоят, чойхонага кириб, ош қилиб емоқчи бўлдик. Керакли масалліқларни олиб, тўғраб ўтирсак, нариродаги сўрида уч-тўрт киши ҳадеб биз томонга қарайверади денг. Гоҳ ҳайрон бўламиз, гоҳ ғашимиз келади, — нима бало, булар одам кўрмаганми? Ахийри уларнинг бири ёнимизга келиб, ғоят хушмуомалалик билан кўришди, сўрига ўтириб, фотиҳа қилди.

— Сизлар андижонликсизлар-а? — сўради бироздан сўнг тортиниброқ.

— Ҳа, — дея тасдиқладик биз.

— Андижонликларнинг паловини бир еганман, шу-шу оғзимда қолган. Сизлардан илтимос, барча масалліқларини биз кўтарайлигу битта палов қилиб беринглар.

Биз қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордик.

— Шунга шунчаликми, биродар. Андижонлик нафақат ош пиширишга, улфатчиликка ҳам уста, — дедигу сўриларни бирлаштирдик.

Ана шунақа, Андижон эркакларининг "қўли ширин" бўлади. Айниқса, оталар ўз уйида кафтгир тутсалар, хонадон аҳли учун байрам бўлади. Аслида ҳам, қарияларнинг фикрича, ош эркаклар пиширадиган таом.

Ёдингизда бўлса, бир гал Юртбошимиз Андижонга келганида бу юртнинг халқини зўр қилиб таърифлаган эди:

«Буларнинг андижонча дўппини кийиб, кўкракларини керганча туришларини кўрсангиз ҳақиқий хўжайин деб ўйлайсиз. Гаплариям бутун-бутун. Мана, ернинг ҳақиқий эгалари. Шунинг учун ҳам Андижонга келсам яйраб кетаман...».

Дарҳақиқат, андижонлик оталар қўлини орқага қилиб, мардона юриб қолганида ҳар қандай кишининг завқини, ҳавасини келтириши тайин. Ёҳуд оталарнинг ўз болаларини давра қурдириб ўтқазиб олиб, тарвуз-қовун сўйиб берганини кўрганмисиз? Улар чордона қуриб ўтирадилар-да, дам қовун, дам тарвуз сўйиб, болаларига узатаверади. Болалари оғзи-бурнини хўл қилишиб, шошиб-шошиб еяверади. Бир-бирига қилиқлар қилишиб, қиқир-қиқир кулишади. Андижонлик оталар ана шундан завқланиб, ҳузурланиб ўтирадилар. Улар учун айни дамда бундан ортиқ бахт йўқ. Уйига келган меҳмонни ҳам ана шундай сийлаб, ҳузурланадилар.

...Бир лаҳза тўхтанг, биродар, нафасингизни ростлаб олинг. Энди гап Андижоннинг буюк салафлари ҳақида кетади. Ҳа, топдингиз, энди шеър, адабиёт ҳақида сўз юритамиз.

Ҳазрати Бобурни барча билади (дунё миқёсида деймандa). Мозий саҳнасида бу зот каби мураккаб тақдирли инсон бошқа учрамайди. Унинг зиддиятларга тўла ҳаёти ҳали ҳануз дунё мутахассисларининг, ижод аҳлининг эътиборини ўзига тортиб келади. Ўн икки ёшида тахтга ўтиргач, кўп ўтмай, хиёнаткорлар туфайли ўз юртига сиғмаган, узоқ сарсон-саргардонликлардан сўнг буюк давлат барпо этган ҳамда жаҳон тарихида улкан ўринга эга бўлган Бобур қудратли шоҳ эди. Бироқ у башарият тарихида энг аввало беназир шоир сифатида қолди ва шуҳрат қозонди. Ўзбеклар номини оламга ёйди.

Ёки буюк шоиримиз Чўлпонни олинг. Ўзбек адабиёти тарихида мустақилликни, миллат озодлигини, босқинчиларнинг кирдикорларини баралла куйлай олган унинг мақомидаги биронта шоир йўқ. Чўлпон она Туркистон эркини, унинг муваффақиятини ошкора битган, чин маънодаги ватанпарвар шоирдир. Ўзбекнинг хўп улуғ шоирлари борлигини инкор этмаган ҳолда, айтиш мумкинки, буюк Чўлпон ўз мақомида ягона ва такрорланмасдир.

Ўзбекнинг қалбини ишққа, куйга ва асосийси, шеърга тўлдирган Муҳаммад Юсуфчи? У яшиндай бир чақнадию, бу оламни тарк этди. Лекин унинг шеърлари халқ юрагининг энг нозик торларини ҳам черта олди. Агар бўлса, эл аро Шоҳ Машраб шунчалар машҳур бўлгандир, бироқ Муҳаммад Юсуфчалик халқ орасида машҳур бўлган шоирлар жуда кам. Унинг феълидаги тантилик, мардлик ва халқчиллик ҳам Андижон тупроғидан олган олов туфайлидир.

Миллатимиз тарихидаги буюк аёллар сирасига, шубҳасиз, Нодирабегим ҳам киради. Андижон заминида унган бу гўзал гул шеърият бўстонида ўзининг бетакрор жамоли ва ифорига эга бўлди. Мозийда Нодира момомиздек фожеали тақдир соҳибаси, эранлар янглиғ мардона яшаган бошқа бирон бир аёл учрамайди.

Айтайлик, бу кунги ўзбек шеъриятидаги энг етук шоираларимиз ҳам Саида Зуннунова пиёласида сув ичганлар ва ўзларини у кишига



Конституция майдони

## Истиқлол берган имкон

***Президент Ислом Каримов 1994 йилда Андижон сафарида бўлганида Асакани бориб кўрганди.***

***Ўшанда давлатимиз раҳбари яқин кунларда шу жойда машина заводи қурилишини таъкидларкан, тўғриси, кўпчилик орадан ўн кун ҳам ўтмай бир гуруҳ мутахассислар машина заводи учун жой танлашга киришишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди... Эндиликда бу ердан чиқаётган машиналар дунё кезмоқда, машинасозлик саноати бўйича Ўзбекистонни, Андижонни жаҳонга танитаяпти.***

# МАҲСУЛОТИНИ ЖАҲОН БИЛАДИ

## сифатига гап йўқ

Мустақиллик йилларида туман нафақат саноатда, балки қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам кўплаб тажрибалар мактабини яратди. Хусусан, чигитни плёнка остида парваришлаб, ҳосилдорликни бир неча бараварга ошириш, ғалладан 70 - 80 центнердан хирмон кўтариш ташаббуси айнан шу жойдан қанот ёзганлигини агросаноат мажмуидагилар яхши билишади. Айни пайтда республика миришкорлари уни қўллаб кам бўлишмаяпти.

Туманнинг экин майдонлари саховатли. Ерга таёқ суқилса, дарахт бўлиб кўкаради, деган ибора худди шу ҳудуддан келиб чиқиб айтилган бўлса, ажаб эмас. Муҳими, бу ерда лафзи ҳалол, айтган ишини қила оладиган танти одамлар кўп.

Ушбу мақолани узоқдан бошлашимизнинг боиси бор. Шундай хислатли одамлардан бири Ҳидоятулла Аҳмедовдир. У киши бир неча йиллардан буён агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасига раҳбарлик қилиб келаяпти. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда ишловчиларга етарли шароитлар яратиб бериш соҳасида бу ерда анчагина тажрибалар тўпланиб, вилоятда оммалаштирилган.

Фаолият мезонини шакллантиришда ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда жамоа шартномасига таянилади. Ҳар ойда икки марта фаоллар йиғилиши ўтказилиб, унинг бажарилишини назорат қилиб бориш одатга айланган. Йиғилишларда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ширкат хўжаликлари раислари ҳам иштирок этиб, муаммолар биргаликда ечим топади. Ҳамкорлик туфайли сўнгги беш йил оралиғида бирорта ҳам меҳнат интизомини бузиш ёки ишловчи ҳақ-ҳуқуқи топталиш ҳоллари қайд этилмади.

Албатта, раҳбарга кўп нарса боғлиқ, дейишади. Соҳада қандай муаммо пайдо бўлса, мутасаддилар Ҳидоятулла аканинг маслаҳатини олишга одатланган. Чунки у кишида тажриба бор, одамлар билан ишлашнинг ҳадисини олган. Бир мисол. Ўтган йили қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолган кишиларни иш билан таъминлаш масаласи ҳокимлик йиғилишида анча баҳсларга сабаб бўлди. Касаба уюшма раисининг аниқ таклифи билан қисқа даврда 2,5 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Мавсумларда меҳнат аҳлини рағбатлантириб боришни касаба уюшмаси ўз зиммасига олганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Масалан, механизатор ва сувчилардан 300 нафари шу кунгача қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Сирасини айтганда, туман салоҳиятини юксалтиришда касаба уюшмасининг алоҳида ўрни бор. Яна бир асосий жиҳати: одамлар бу ташкилотга нафақат моддий ёрдам берувчи сифатида, балки ҳамкор, маслакдош ва ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи таянч деб қарашади, унга суянишади.

Жорий йилдан тумандаги барча ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилди. Ўз-ўзидан тармоқларда кўплаб ишчи кучи бўшаб қолиши кутилганди. Бироқ бундай бўлмади. Негаки, касаба уюшмаси аввалдан унинг олдини олиш тадоригини кўрганди. Шу боис 24 минг нафар аъзонинг барчаси иш билан таъминланиб, ҳар бир фермер хўжалигида бошланғич касаба уюшмаси тузилган. Янги усулда ишлаш жараёнида касаба уюшмалари қандай бўлиши кераклиги, жамоа шартномасига риоя этиш, иш берувчининг ваколатлари, меҳнат дафтарчасини юритиш, касаллик варақаларига ҳақ тўлаш, аёлларга қисқартирилган иш вақти яратиш кабилар унинг низомидан кенг ўрин олган. Ҳатто, уни назорат қилиб бориш учун фермерларнинг ўзлари туман касаба уюшмаси қошида икки нафар ҳуқуқшунос штатини очишган. Асакаликларнинг ана шу тажрибаси ҳам бошқа туманларга асқотмоқда.

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг мустақиллик йилларидаги айрим ишларига тўхталдик, холос. Аслида, бу ердаги ҳар бир хайрли ишда тармоқдагиларнинг озми-кўпми ўз ўрни, қўшаётган ҳиссаси ва айтадиган сўзи бор.

**Ҳ. АБДУСАМИЕВ**



## Тажриба

***Ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур этиш қийин. Уйимизни чароғон этиб турган нурни ишлаб чиқариш, истеъмолчига етказиб бериш учун қанча-дан-қанча инсонларнинг меҳнати сингишини кўпинча унутиб қўямиз. Электр энергиясини тежаш, уни исроф қилмасдан ишлатишни ёддан чиқарамиз. Оқибатда ҳамёнимиз зарар кўради, уни етказиб берувчи ташкилотларда ҳам иш мароми бузилади. Баъзида электрдан ўғринча фойдаланувчилар ҳам учраб туради. Бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик учун янги тажрибалар амалиётга жорий этилмоқда.***

# Исрофгарчиликка чек қўйилмоқда

Булоқбоши тумани электр тармоқлари корхонасида ана шундай тажриба қўлланилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 511-512 қароридан сўнг корхонамизда қарздорликни бартараф этиш борасида янги иш усулларини қўллаяпмиз, — дейди корхона бош муҳандиси З.Юлдашев. — Жумладан, ҳар юз хонадондан иборат кўча ёки маҳалла бошида умумий ҳисоблагичларни ўрнатганмиз. Бу жараён бир кўринишда анча мураккабга ўхшайди. Аммо назоратчилар олиб бораётган изчил ҳаракатлар туфайли электр қуввати беҳуда исроф бўлишининг олди олинмоқда. Яъни, назоратчи хонадонлардаги сарф билан умумий ҳисоблагичдаги фарқни солиштириб кўради. Агар рақамларда номутаносиблик келиб чиқса, келишувга мувофиқ фарқни назоратчи тўлайди. Шу боис улар ўз ишига сидқидилдан ёндошишмоқда.

Дарҳақиқат, қаерда иш тўғри ташкил этилса, ўша жойда меҳнат унумдорлиги ҳам ошади. Туман электр корхонасининг кейинги икки йилда бу борадаги саъй-ҳаракатлари туфайли умумий қарздорлик 894 минг 853.2 сўмга, аҳолиники эса 611 минг 688.8 сўмга қисқарган.

Ишчиларга яратилаётган шароитлар ҳам мақтаса арзигулик. Корхонада меҳнат қилаётган 65 нафар ишчи-ходимга махсус кийим-бош, сут-қатиқ маҳсулотлари бериб борилаяпти. Ўтган йил 20 нафар ходим турли сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаган бўлса, бу йил шу пайтгача 12 киши дам олиб қайтди. Уларнинг фарзандлари ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун йўлланмалар тарқатилди. Меҳнат аҳлининг саломатлиги доимо назоратда. Тез-тез ўтказиб турилаётган тиббий кўрик туфайли касалликларнинг олди олинмоқда. Спорт мусобақалари ҳам мунтазам ўтказиб келиняпти.

Хуллас, тажриба ва меҳнатга бўлган ўзгача муносабат ўз самарасини бераяпти.

**А.МАМАЖОНОВ**

# ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Ишдан уйга қайтган эркак аввало аёлини қидиради. Фарзандлари атрофида гирдикапалак бўлса-да, онанг кўринмайдими, дея безовталанади. Оналарга муҳаббат, уларни қадрлаш хислатлари азалдан шууримиздан кенг ўрин олган.

Айниқса, мустақиллик йилларида уларни ижтимоий ҳимоялаш ва қадрлаш ҳамда меҳнат шароитлари яратишга эътибор янада кучайди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси аёлларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш бўйича алоҳида дастур асосида иш олиб бораяпти.

Беш йил аввал касаба уюшма бошланғич ташкилотлари раисларининг 37 фоизи хотин-қизлардан иборат эди. Айни пайтда улар жамоатчилик ишларига кенг жалб қилинганлиги сабабли 39,4 фоизни ташкил этади.

Аёлларни иш билан таъминлаш муҳим масалалардан. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимида ибратли ишлар кўп. Масалан, соҳада 52 минг 719 нафар ходим бор. Шундан 83,1 фоизи хотин-қизлар, 225 та бошланғич ташкилотларининг 139 тасида раислик вазифаси аёллар зиммасида. Ёки вилоятдаги мавжуд 746 та мактабнинг 518 тасида ҳам тажрибали аёллар раҳбарлик қилади.

Бозор иқтисоди талабларидан бири, янги иш ўринлари яратиб, одамларни фойдали меҳнатга жалб этишдан иборат. Вилоят касаба уюшмалари туман, шаҳар мутасаддилари ва тадбиркорлар билан ҳамкорликда бу соҳада кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинаяпти. Натижада касаначилик, дурадгорлик ва бошқа ҳунармандчиликлар бўйича ҳар бир

## Эътибор

туманда иш ўринлари яратилди. Ўтган даврда 30 минг киши доимий иш билан таъминланди. Улардан 12 минг нафари аёллардир.

Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси ташаббуси билан ёз мавсумларида хотин-қизларни соғломлаштириш муҳим вазифалардан бирига айланган. Жорий мавсумда 1250 нафар хотин-қизлар сиҳатгоҳларга юборилиб, соғлиқларини тиклашди.

**Нигора АБДУЛЛАЕВА**

# Мустақилликнинг ўн бешинчи йилида

шогирд деб биладилар.

Ўзбек санъатининг салобату кўркини Андижондан чиққан санъаткорларсиз тасаввур этмоқликнинг ўзи мушкул. Бениҳоя ноёб истеъдод соҳиби бўлмиш Аббос Бакировни халқимиз овозиданоқ танийди. У киши яратган донишманд Юсуфбек Ҳожи сиймоси ўзбек оталарининг чинакам тимсолига айланган.

Ёхуд Сойиб Хўжаевни эсланг. У кишининг номи тилга олиниши биланоқ лабларда табассум пайдо бўлади. Бу инсон ҳам халқимизнинг чинакам ардоқли санъаткори эди. Шунинг учун халқимизнинг кейинги авлод вакиллари ҳам уни яхши биладилар, эъзозлайдилар. С.Хўжаев ҳам бошқа бирон бир ўхшаши бўлмаган санъаткордир.

Муножат Йўлчиева-чи!.. Ўзбек мақомининг шуҳратини оламга ёйди ва тенгсиз бир санъаткорга айланди.

Ҳа, Андижон тупроғида унган буюк шоиру санъаткорларнинг ҳар бирлари ўзга бир олам ва бетакрор, ягонадир.

Бу юртнинг полвонлари эса... Биргина номи тилларда достон бўлган Али полвонни эслайлик. Бу инсон ҳақидаги ҳикоятлар, афсоналар мудом тилдан-тилга кўчиб юради. Ҳозир ўшалардан бирини эслагимиз келди:

Ўтган асрнинг 40-йилларида Москвада турли халқларнинг санъат декадалари (ўнкунликлари) бўларди. Ўшанда собиқ шўро давлатининг пойтахтида Ўзбекистон кунлари ўтарди. Эслашларича, кўчаларга улкан дошқозонлар ўрнатилиб, ошлар дамланади ва пойтахт халқига тортилади. Бу тадбирда Али полвон ҳам қатнашади. Цирк майдонида энг зўр полвонларимиз фарғонача кураш томошаларини уюштирадилар. Турган гапки, полвонларнинг энг зўри Али полвон эди.

Бир пайт томошабинлар орасидан баҳайбат ўрис полвони чиқиб келади ва Али полвон билан курашмоқчи бўлади. Бу икки забардаст полвонга белбоғ ҳам дош беролмайди. Шунда ўрис полвони йўғон занжирни белга боғлаб, кураш тушмоқликни таклиф қилади. Али полвон бу таклифни рад этади. Томошабинлар ичида ўз полвонларга тарафкаш бўлиб ўтирганлар ҳайқиради:

— Ўзбекни шарманда қилма, Али!

Бу гапдан ўзига келган полвон занжир боғлаб курашга тушади. Ўрис полвони билан бўлган беллашув узоқ давом этади. Иккала полвоннинг ҳам биқинлари ўйилиб, қонаб кетади. Ниҳоят ўзбек полвони — Андижон полвони ғалаба қозонади. Ҳаммаёқ олқишга тўлади. Албатта, йиллар ўтаверади, бироқ андижонлик бу машҳур полвоннинг довруғи, миллат ори учун қилган фидойиликлари асло сўнмайди.

## Бунда мужассам

### Она юрт мадҳи

Учрашувлардан бирида вилоят раҳбари гапириб қолди:

— Бир пайтлар ҳар йили август ойида шаҳардаги Навоий боғида кураш сайллари бўларди. Одамлар тараф-тараф бўлишиб ўз полвонлари ортидан келардилар. Ҳатто хўжаликларнинг, туманларнинг раҳбарлари ҳам ўз полвонларига тарафкаш бўлардилар. Худо хоҳласа, ана ўша кураш сайлларини тиклаймиз.

Бу — айни кунларда аста-секин амалга оша бошлади — айтилган боғда кунора кураш сайллари бўлиб турибди.

Бу кун аҳли Андижон янги нафас, янги ғайрат ва янгича шижоат билан янги зафарларга шайланиб турибди. Юртдошларимиз эртанги кунга умид билан, гўзал бир манзилларга етмоқ илинжида меҳнат қилишмоқда. Таъбир жоиз бўлса, мустақиллик туфайли барча уйғонди. Аслида бизнинг муддаомиз ҳам шу — юрт уйғоқ бўлсин. Барча бир-бирларининг ҳолидан огоҳ ва хабардор бўлсин. Бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик. Бой ёки амалдорлар ўз мавқелари билан керилмасинлар, ногирон ва заифлар ўз ҳолидан ўкинмасинлар. Ҳамманинг руҳи баланд бўлсин.

Биз ҳали Андижон деҳқонининг мардлиги, тантилиги ҳақида гапирмадик. Юртдошларимизнинг дончилик ва пахтачилик борасида эришаётган ютуқлари, ўзига хос мактаби ҳам эътирофга лойиқ. Ўзбек деҳқончилигида андижонлик миришкорларнинг ҳам ўзига муносиб ўрни бор. Мустақиллик туфайли салоҳиятимиз янада ошиб бормоқда.

Шуҳрати оламга кетган "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси ҳақида таърифу тавсифнинг ҳожати йўқ. Чунки бу корхона нафақат андижонликларнинг, балки бутун халқимизнинг фахру ифтихорига айланган. Илло, бизнинг мурод Андижон кишилари ҳақида сўз айтмоқ эди.



**Наби ЖАЛОЛИДДИН**

### Репродуктив саломатлик

***Олимбек қишлоғилик Малика момо сўридан йиқилиб, оёғи қаттиқ лат еди. Яқин атрофда на шифохона, на амбулатория бор. Боз устига, тиббиёт ходимлари ҳам етишмасди. Уйимиз анча узоқ бўлса-да, тез-тез у кишидан хабар олиб, даволадим. Шарт-шароитнинг йўқлиги туфайли муолажа узоқ давом этди...***

Ҳар куни қадрдон ишхонамга киришим билан ўша момо кўз ўнгимдан ўтади: у киши узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, туман ва вилоятда эл назарига тушганди. Бироқ нафақага чиқиб, оёғи шикастлангач, ҳеч ким ундан ҳолинг не кечаяпти, деб сўрамади. Эл назаридаги кишига эътибор шу бўлгач, оддий инсонларнинг ўша даврдаги турмуш тарзи қандай кечганини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Мустақилликнинг илк кунларидан аҳоли саломатлигини муҳофазаловчи тиббиёт тизимига ҳам ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратди. Биргина Балиқчи туманида кейинги йилларда 4 та шифохона, 3 та ихтисослашган поликлиника ва 23 та замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг қурилиб, фойдаланишга топширилгани соҳада ислоҳотларнинг жадаллик билан бораётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда тумандаги мавжуд қишлоқларнинг ҳар бирида биттадан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар ва мутахассислар билан таъминланган врачлик пунктлари ишлаб турибди. Бу жойларда оналик ва боналикни муҳофазалаш, соғлом авлодни вояга етказишга, айниқса, ҳукуматимиз эътибори катта бўлаяпти.

Масалан, ўтган йилнинг ўзида туман марказий шифохонасига қарашли соғлиқни сақлаш муассасаларига бир миллиард 239 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу — қишлоқ жойларида репродуктив саломатликни яхшилаш ва хизмат кўрсатиш турларини ривожланган давлатлардаги даражага олиб чиқиш имконини бераяпти. Айтайлик, икки йил аввал бир беморнинг ўртача даволанишига бюджет маблағлари ҳисобидан 47 минг сўм ажратилганди. Ўтган йили бу кўрсаткич 61 минг сўмга тўғри келди.

Соҳани мутахассислар билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Тошкент, Андижон тиббиёт институтлари билан истиқболли шартномалар тузилиб, ёшлар жалб этилаяпти. Натижада илгари ҳар ўн минг аҳолига 9,5 фоиз шифокор, 70,5 фоиз ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 16,5 ва 109,5 фоизни ташкил этади.

Қишлоқларда тиббий маданиятни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Маҳаллаларда, хонадонларда учрашувлар, семинар-кенгашлар ўтказилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, кейинги даврда барча касалликлар, энг аввало, камқонлик, оналар ва болалар ўлими каби кўнгилсиз ҳолатлар кескин камайди.

Эл саломатлигини асраш йўлида беминнат хизмат кўрсатаётган соҳа ходимларига етарлича шароитлар яратилган. Бунда касаба уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Жамоа шартномаси бандлари бўйича, меҳнат аҳли вақтида тақдирланиб, тунда ишловчиларга имкон даражасида имтиёзлар яратилган. Изланувчан ва ёш мутахассислар қўшимча рағбатлантирилаяпти. Меҳнат таътилларида моддий ёрдам ва хоҳишига қараб, санаторий-профилакторийларга йўлланмалар ажратилаяпти.



## ҚВПлар эл хизматида

**Анваржон МАЪМУРОВ,**
**Балиқчи туман марказий шифохонаси бош врачи**

### Орамиздаги одамлар

***Саратон тафтида аравасини ғижирлатиб тушликка кетаётган Низомиддин ака узоқларга термулиб, хаёл сурарди: "Бу кўргулик қачонгача давом этиши мумкин. Меҳнат қилсанг, роҳатини ўзгалар кўрса. Лоақал оддий шароит ҳам йўқ. Бирин-кетин вояга етиб келаётган етти нафар ўғли бор: келажакда уларнинг тақдири не кечади. Қани энди шундай кунлар келса-ю, ўз мулкинг, еринг, даланг бўлса, ҳеч ким буйруқбозлик қилмасдан, эркин ишласанг..." У ана шу армонли хаёллар оғушида уйига қандай етиб келганини ҳам билмай қолди.***

## «Бургут»нинг парвози

Яхши ният, ярим давлат, дейишади. Низомиддин ака орзуси кўп ўтмай ушалди. Истиқлолнинг илк кунини далада — пахта эгатларини оралаб кутиб олди. Бироқ умри қисқа экан. Етдим, деганда йиқилди.

— Кўпчиликсиз, ҳамжиҳатликда иш кўриб, элга наф келтириш йўлидан боринг, — дея насиҳат қилди у фарзандларига. Ота васиятини амалга оширишда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўғрилган



ҳукумат қарорлари асосий омил бўлди.

Етти фарзанднинг тўрт нафари фикрни жамлаб, янги иш ўринлари яратиш бўйича бизнес-режа тузишди. Туман мутасаддилари ҳам хайрли ишга бош-қош бўлди. Чинободдаги "Қияли" маҳалласида жойлашган ташландиқ ферма ўрнида "Бургут" номли кўптармоқли мажмуа қурилиши бошланганида, "эсиз меҳнат, бу жойга биров келармиди" дегувчилар ҳам бўлди. Бироқ ишбилармонларнинг саъй-ҳаракати ва изланиши асоссиз гапларга барҳам берди.

Ён-атроф ободонлаштирилиб, мажмуа ишга туширилди. Ҳозир бу жойда чинободлик 55 нафар киши меҳнат қилмоқда.

— Ишлаб чиқаришни ривожлантириб, ҳам ўзига, ҳам одамларга наф келтираётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш масаласи доимо эътиборда, — дея таъкидлайди туман тадбиркорларини рўйхатга олиш бўлими мутахассиси Шокиржон Қирғизов. — "Бургут" кўптармоқли фирмаси одамларга иш ўрни яратиш қаторида ҳар ойда банкка 30 миллион сўмдан ортиқ нақд пул топширади. Бундан ташқари, хайрли юмушларда ҳам уларнинг ҳиссаси катта. Масалан, бешта кам таъминланган оила ва тўрт нафар қарамоғида ҳеч кими йўқ киши ундан манфаатдор. Шунингдек, "Қияли" маҳалласи ака-ука Тожибоевлар меҳнати туфайли кўркамлашаяпти. Туман ногиронлар жамияти ҳам доимо уларнинг эътиборида.

Ишбилармонларнинг имкониятлари ўрганилиб, уларга қўшимча жой ажратилди. Айни пайтда бу ерда икки қаватли иншоот барпо этилмоқда. Йўловчилар маданий дам олишига мўлжалланган ана шу жой фаолият бошласа, қўшимча 50 нафар киши доимий иш билан банд бўлади.

— Режалар жуда кўп, — дейди фирма бошлиғи Фазлиддин Тожибоев. — Одамларни меҳнатга жалб этгач, уларнинг маданий дам олишини ҳам йўлга қўйиш керак. Барчасига улгуриш анча мушкул. Шу боис, туман касаба уюшмаси билан келишдик. Яқинда ўзимизнинг бошланғич ташкилотимизни тузаяпмиз. Ўшанда ижтимоий масалалар билан боғлиқ жуда кўп ишлар ҳал бўлади.

Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги арафасида ака-ука Тожибоевлар яна бир хайрли ишни бошлаш ниятида: яъни ўзлари фаолият олиб бораётган маҳаллада замонавий гузар, милиция таянч пункти ва 60 ўринга мўлжалланган тикиш-бичиш цехини қуриш. Муҳими, бу борадаги лойиҳа-сметалар тузилган ва етарлича маблағ ҳам жамғарилган.

**А. ҚОДИРОВ**

## Тўртинчи босқич

### яна 100 нафар боланинг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашди

Шаҳрихонсойнинг сўлим қўйнида жойлашган «Бешариқ» болалар оромгоҳида тўртинчи босқич ташкил этилди. Ҳомийлар «Андижонирмаш», «Ўзбекинсервис», туман чорва бозори, «Навоий», «Бўстон», «Амир Темур» ширкат хўжаликлари оромгоҳда яна бир қўшимча босқич ташкил этиб, яна 100 нафар боланинг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмак берди.

— Ушбу масканда ўзининг педагогик тажрибаси орқали фарзандларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатаётган етакчилар кўп, — дейди оромгоҳ раҳбари Камолиддин Сирожиддинов. — Уларнинг тажрибаси кўпчиликка қўл келади. Чунки бола тарбиясида тажриба муҳим аҳамиятга эга. Болалар оромгоҳида дам олиш билан бирга бу ердан ахлоқ-одоб, билим ва ватанпарварлик туйғуларини ошириб қайтиши лозим. Болажонлар истиқлол эгалари, эртанги кунимиз бунёдкорларидир.

Бу масалада оромгоҳда ташкил этилган тўгараклар, илғор тажрибали етакчилар муҳим рол ўйнайди. Мусиқа тўгараги раҳбари Абдумалик Маҳкамов 30 йилдан буён болажонларга санъат сирларини ўргатиб келади. Бош етакчи Ҳавохон Жўраева ҳамда Ботиржон Сиддиқов, етакчилар — Дурдона Қодирова, Мўйдинжон Қобулов, ошпаз Фотимахон Абдураҳмоноваларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими турли тадбирлар, концертлар уюштириб, болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмак берди. Оромгоҳга ташриф буюрган ёшларнинг севимли қўшиқчиси Сардор Раҳимхон, Толибжон Зокиров, Обиджон Раҳмонов сингари хонандалар ўз чиқишлари билан болажонлар қалбида сақланиб қолади.

Хуллас, болажонларнинг оромгоҳларда олган илиқ таассуротлари, ўрганган билимлари, албатта, қўл келади ва бир умр хотираларида муҳрланиб қолади.

**Бакир ОЛИМОВ**



### Маҳалла ватан ичра ватандир

*Хўжаобод туманидаги "Кўтарма" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғофуржон Қамбаров ҳузурига кирган аёл ундан маълумотнома сўради. Раис қоғоздан бош кўтариб, уни ўтиришга таклиф қилди.*

*— Кечирасиз, сўраётган ўша ҳужжатни қаерга кўрсатасиз?*

*— Қаерга бўларди, паспорт столига-да...*

*Раис Зарифа Нишонова овозидаги норозилик кайфиятини илғаб улгурди. У бу ўкинч боисини ҳам билиб турарди. Шунинг учун аёлга ётиғи билан тушунтирди.*

*— Зарифахон, энди оворагарчиликка ҳожат йўқ. Ҳужжатларингизни шу ерда тўғрилаймиз.*

*Бу фикр фуқарони қониқтирмади.*

*— Қизиқсиз-а, Ғофур ака. Неча йилдирки, паспорт ололмай, сарсонман. Сиз эса...*

*— Шошманг, синглим. Илгари кимга, қаерга учрашишни билмагансиз. Ҳозир ҳукуматимиз одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида кўп ишларни маҳалланинг ўзида ечиш масаласини ўртага ташлаяпти. Шунинг учун гарчи Қирғизистонда никоҳдан ўтган бўлсангиз ҳам, зарур ҳужжатларни тўғрилаб, Хўжаобод туман комиссиясига ўзимиз тақдим этамиз. Бу масалада участка нозиримиз ёрдам беради.*

*Зарифахон мушкули енгиллашганига ишониб-ишонмай хайр—хўшлашиб, хонадан чиқди.*

*— Барибир бизга ишонмади, — деди маҳалла посбони Шамсиддин Умаров бир оз гина қилиб. Раис изоҳ берди.*

## Истиқболдан башорат

*— Ахир, йиллар давомида иши ҳал бўлмагач, бизга дарров ишонармиди... Қўлига ҳужжатини тутқазайлик, боши осмонга етганини ўшанда кўрасиз.*

*Шу пайт эшик очилиб, Турсунбой ота кириб келди.*

*— Гуручмозорга кўмир келибди, озроқ ғамлаб қўймасам, газга ишонч йўқ. Шунга...*

*Раис отага бир пиёла чой узатди.*

*— Кўмирнинг ташвиши бизнинг елкамизда. Ишқилиб маблағ борми? Ота ёқимли жилмайди.*

*— Оқсоқолнинг белига мадор нима? Белбоғ, шундайми? Белбоғда эса пул юради. Қизиқ гапирасиз-да, раис.*

*— Кўмирни туман марказига тушириб қўйганмиз. Яна уч-тўрт талабгор чиқса, маҳаллагача ҳам олиб келамиз. Сиз хотиржам дам олаверинг.*

*Оқсоқол хурсанд ҳолда ташқарига чиқди. Газ билан электрга пул тўлаш учун йўлга отланган Одилжон Дадажонов билан Исмоилжон Юнусалиевлар ҳам раисга йўлиқишди.*

*— Яхшиям, мени йўқлабсизлар. Ахир, коммунал тўловларни Рашид аканинг қизи Замирахон олаяпти-ку.*

*— Олишга олади, аммо қоғозини вақтида бермайдида.*

*Ғофуржон тушунтирди:*

*— Бу эски гап! Ҳозир ҳамма иш рисоладагидай... Эрта-индин газ билан электр ҳақини мутасаддилар шу ерда қабул қилишади.*

*Эрталабдан буён раиснинг гап-сўзларига индамай қулоқ солиб ўтирган меҳнат фахрийси Маҳкам ота ёрилди.*

*— Ғофуржон, бу туман марказини Кўтармага кўчириб келмадингми?*

*Раис оқсоқолнинг елкасига қўл ташлаб:*

*— Ҳозир ҳамма маҳалла шунақа. Яқинда ўз солиқчимиз, ўз молиячимиз, ўз милициямиз иш бошлайди, — деди.*

*Айнан шу ҳолатни Андижон шаҳридаги "Намуна" маҳалласи фаолиятида ҳам учратдик. Қўш дипломли, илгари вилоят ва туман миқёсидаги нуфузли лавозимларда ишлаган Анваржон Абдураҳимов барча юмушларда бош—қош.*

*Очиғи, маҳаллада муаммолар қалашиб ётгандир, деган андиша ҳам йўқ эмасди. Аммо бу хавотир ўринсиз экан. Энг муҳими, неча йилдирки, аҳолининг газ таъминотидан ташвиши йўқ. Электр чироқлари камдан-кам ўчирилади. Хонадонларга тоза ичимлик суви олиб кирилган.*

**Абдумуталлиб АБДУЛЛАЕВ,**
**Халқаро "Олтин қалам" мукофоти совриндори**

***Тармоғимиз саноатнинг етакчи корхоналари "ЎзДЭУавто" ва Жанубий Корея давлати ҳамкорлигида барпо этилган бошқа автомобилсозлик қўшма корхоналари, шунингдек, "Андижонкабель", Марҳамат электротехника заводи, "Андижонмаш", авиасозлик корхонаси ва бир қатор бошқа объектлардаги бошланғич ташкилотларни бирлаштиради. Бу жойларда касаба уюшма аъзолигига янги ишга қабул қилинган ишчи-хизматчиларни жалб қилиш изчил олиб борилмоқда.***

## Корхонага ёш ишчи келди

### у шароитлардан мамнунми?

Сафимиз янада кенгайишига корхоналарда иш жойлари яратилаётгани ҳам муҳим омил бўлаётир. Буни Россия инвестициялари иштирокида барпо этилган "Андижонкабель" қўшма корхонаси мисолида кўриш мумкин. Янги аср бошида иқтисодий қийинчиликлар туфайли кўпминг сонли жамоадан борйўғи 200 нафарга яқин ходим сақланиб қолганди, холос. Кейинчалик соҳа яловбардорларининг саъй-ҳаракати ҳамда ҳукуматимизнинг эътибори туфайли "Ўзбекистон — Россия" қўшма корхонаси тузилиб, ҳамкорликка асос солинди. Эндиликда маҳаллий ёшлардан 1300 нафари қайта ихтисослаштирилиб, улар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳадисини олишди.

Корхонада ходимлар малакасини ошириш мақсадида доимий ҳаракатдаги ўқув курслари фаолият кўрсатмоқда. Етакчи мутахассислар ёшларга раҳнамолик қилиб, уста-шогирдлик мактаби шаклланган. Шунингдек, ҳамкорлик асосидаги режага биноан ишга қабул қилинаётган ёшларнинг аксарияти Тошкент, Россия ва Финляндияда ўқитилмоқда.

Ишчи кайфияти соз бўлса, маҳсулот сифати ортади, ишлаб чиқаришда унум бўлади. Шунинг учун келишувларда меҳнат ва маиший шароит яратиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш кўзда тутилган. Жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини назорат қилиш гуруҳи тузилган бўлиб, ҳар ойда таҳлил этилади, муаммо ва камчиликлар юзага келса, касаба уюшмаси орқали бартараф қилинади.

Яна бир жиҳати: касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз иш берувчи ташаббуси билан ходимлар ишдан бўшатилмайди. Иш ҳақини ошириб бориш доимий эътиборда. Ҳозир ўртача маош 80 минг сўм. Ҳолбуки, икки йил аввал энг юқори иш ҳақи 30-35 минг сўм эди, холос.

Қўшма корхонанинг бир нечта цехларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича усули синаб кўрилмоқда. Бунда нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки ходимнинг малакаси, унинг интизомлилиги, маҳоратини ошириш борасидаги ҳаракати, фаоллиги каби хислатлар ҳисобга олинади ва қўшма коэффициентлар қўшилади. Натижада кейинги икки ойда шу усулда иш ҳақи олаётганларнинг сони ортаяпти.

Ёшлар — келажагимиз. Мамлакатимизнинг ривожи ҳам, ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви ҳам кўп жиҳатдан уларнинг киришимлилигига ва интилишига боғлиқ. Бу долзарб масала корхона меҳнат аҳлининг доимо диққат-эътиборида. Ёш ишчиларни тайёрлаш мактаби мунтазам ишлаб турибди. Ишлаш хоҳишини билдирганлар учун уч ойлик бепул курслар ташкил этилган. Ана шу жараёндан ўтган киши тўғридан-тўғри ўзи истаган цехдаги дастгоҳни бошқариш имкониятига эга. Бундан ташқари, касаба уюшмаси ташаббуси билан уларнинг меҳнатдан бўш вақтлари мазмунли ўтишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу сабабли тармоқда меҳнат қилаётганларнинг саксон фоизидан ортиғи ёшлардан иборат.

**Камолиддин МАҲМУДОВ**

**Қўш саҳифани «Ишонч» мухбирлари Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ ва Абдулҳай ЮНУСОВлар тайёрлади**

## Ёниқ юрак ёғдуси

# ҚАТЪИЯТ КУРТАКЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Кундалик оддий вазиятларда одамнинг асл қиёфаси тўлиқ намоён бўлиши қийин. Одамнинг кимлиги фавқулодда вазиятларда, экстремал ҳолатларда яққол кўринади. Бекназаров руҳшунос ва шифокор сифатида китобларида қалтис вазиятга тушиб қолган киши руҳиятини ҳаётий, таъсирчан ва чин тасвирлай олганлиги билан кишини ром этади. Муаллиф руҳий босим остида қолган, ҳаёт-мамот олишувида барча масъулият бўйнида бўлган жарроҳ ҳолатини чизар экан, унга йўқ фазилатларни тупуклаб ёпиштирмайди, балки унинг ҳам оддий инсон эканлигини билдирадиган чизгилар ёрдамида ўзгалардан фарқ қиладиган шахслигини кўрсатиб беради: «Шу пайт Эркин сал қимирлаб қолди.

— Қимирлама! Қимирлашга бало борми? Нафас олма! Кўриб турибсан-ку нима қиляпман!

Бу сўзларимсиз ҳам у нима қилаётганимни тушунади. Аммо нимадир дейишим керак-да, ахир! Бу зўриқишимни озгина бўлса-да кетказиш учун атайин айтаётган гапларим. Бундан кейин операция майдонидаги турғун ҳолат тикланади. Елкамдаги оғир юк оёқларим тагига ағдарилиб тушади. Қувноқлик билан гап бошлайман:

— Эркин, энди нафас олавер!»

Бу тасвирлар Жуманазар Бекназаровнинг машҳур жарроҳгина эмас, балки ўзига хос шахс ва инсон руҳияти товланишларини тасвирлаш ҳадисини олган моҳир ёзувчи ҳам эканлигини намоён этади.

Бир умр адабиётга, халқ тилининг минг тусда товланувчи жилоларига меҳр қўйиб келаётган профессор Жуманазар Бекназаровнинг ўзга кўпчилик шифокорлардан фарқи шундаки, у тиббий жараёнлар ҳақидаги илмий кузатишларини одамлар тушунадиган тилда ифода эта олади.

Очундаги ҳамма нарса ўзаро боғликдир. Жумладан, бирор мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти шу мамлакатда яшаётган миллатнинг соғломлигига, соғломлик эса миллат аҳлининг тиббий маданияти юксаклигига, тиббий маданиятлилик интеллектуал савиянинг баландлигига боғлиқ. Ўзбекни соғлом миллатга айлантириш учун саломатлик тиббиётчиларнинг эмас, ҳамманинг юмушига айланиши керак. Ҳар бир одамнинг биринчи шифокори унинг ўзи бўлиши керак. Бунинг учун энг аввал тиббий адабиётларнинг эл тушунадиган тилда ёзилишига эришмоқ керак. Жўнгина маслаҳатни инсон англамайдиган мушкул иборалар кўпигига ўраб бериш ёки ўзга тилдан моҳиятни эмас, балки сўзларнигина таржима қилиш билан миллат тафаккурини юксалтириб бўлмайди. Жуманазар аканинг илмий китоблари ҳам бадиий асар каби шавқ билан ўқилади. Маълумки, шавқ билан ўқилган нарса эсда қолади.

Жуманазар Бекназаров «Изтироблар комида» китобида ёзади: «...инсонда ижобий ҳислар ҳукмронлик қилганда, организмнинг ўта нозик ҳужайраларида эндоморфинлар синтези кучайиб, унинг қондаги миқдори тезда ошади. Эндоморфинларнинг мия ҳужайраларига бўлган таъсири айниқса катта бўлиб, у инсоннинг кайфиятини белгилайди». Бу ифодалардан яхши ҳислар одам кайфиятини кўтариши, кўтарилган кайфият ақлий фаолият самарадорлигини ошириши мумкинлиги очиқ-ойдин англашилади. Олим эндоморфинлар ҳақида ахборот берибгина қўя қолмоқчи эмас. У кўтаринки кайфият ёрдамида тиббий тадбирлар самарадорлиги қанчалик ошиши мумкинлигини оддий китобхон кўзи олдига келтирмоқчи. Шунинг учун ҳам унинг қуйидаги фикрлари янада эътиборга сазовордир: «...ижобий ҳис-туйғулар қонда эндоморфин миқдорини оширади. Эндоморфинлар эса миядаги оғриқ марказини касал аъзодан келаётган импульс – турткиларни қабул қила олмайдиган даражага олиб келади. Натижада оғриқ йўқолади. Эндоморфинлар миқдори камайган сари оғриқ ҳам сезилиб, тобора кучаяверади. Организмда эндоморфинлар миқдори қанча кўп бўлса, лаззатли онлар шунчалик кўп давом этади. Ҳатто руҳиятга таъсир қилиб, эндоморфинлар синтезини ўн баробар ва ундан ҳам кўпроқ кучайтириб, организмни оғриқни мутлақо сезмайдиган ҳолатга тушириш ва жарроҳлик муолажасини ҳам бемалол бажариш мумкин». Гўзал ҳис-туйғулар ва кўтаринки кайфият ёрдамида жарроҳлик ишларини бажара оладиган даражадаги руҳий эффектга эришиш ҳақида ўзбек тилидаги тиббий адабиётларда ҳанузгача бу қадар тушунарли ва ишонарли қилиб айтилмаган эди.

Олим турли жинс вакиллари ўртасидаги айирмаларни сизу бизга ҳам англашимли йўсинда изоҳлайдики, кўпчиликка шу вақтга қадар сирли бўлиб келган ҳодисаларнинг асл сабабларини бу қадар осон тушунтириш мумкинлиги кишини ҳайратга солади. «Аёллар организмида эндоморфинлар синтези жуда тез бўлади ва сарфланади. Аёллар кайфияти тез ўзгарувчан бўлишининг асосий сабаби шундан. Бирон бир ҳодисанинг салбий таъсиридан ҳам, ижобий таъсиридан ҳам аёл ҳатто ҳушидан кетиши мумкин. Тажрибаларда тасдиқланганки, ижобий ҳис-туйғулардан уларнинг юрак уриши эркакларникига нисбатан 1,5 баравар кўпроқ бўлар экан. Бунинг сабаби аёл юрагининг нозик тузилмаларида эндоморфинлар таъсирига сезгирлик анча юқори. Бу аёлларга Аллоҳ томонидан берилган инъом!» — деб ёзади у «Изтироблар комида» китобида. Кўринадики, аёлларнинг сертаъсир, ўзгарувчан эканлиги уларнинг инжиқликлари натижаси эмас, балки Яратган томонидан кодланган ҳолатлиги, эркаклардан ҳамиша буни ҳисобга олиб иш тутиш талаб этилиши ғоят билгичлик билан жўяли баён қилинган.

Бизнинг ўзбек оилаларида азалдан ўғил болаларнинг мартабаси баландроқ келади. Ўғил кўрмаслик ота-она учун катта бахтсизлик ҳисобланади. Шу вақтга қадар ўғил туғмаганлиги учун аёллар айбдор қилинарди. Олим бу борада аёлни айблаш тамомила асоссиз эканлигини илмий жиҳатдан ҳамма тушунадиган йўсинда исботлаб берадики, ҳақиқатни қарор топдиргани учун олимга таҳсин айтиш керак бўлади: «...фарзанднинг ўғил ёки қиз бўлиши фақат эркакка боғлиқлиги ҳозирги пайтда фан томонидан аниқ исботланган. Маълумки, одам ҳужайрасининг ядро қисмида хроматин деб аталган модда бўлади. Ҳужайра кўпайиши олдидан ана шу хроматин алоҳида таначалар ҳосил қилади ва улар хромасомалар деб аталади. Хромасомалар инсонда 23 жуфт бўлади. Уларнинг охирги бир жуфти эркакларда бошқача, аёлларда бошқача бўлади... Эркакларда бу жуфт иккита ҳар хил хромосомадан ташкил топади, уларнинг бири X, иккинчиси эса У хромосома деб аталади. Аёлларда У хромосома йўқ. Уруғланиш натижасида хромосомалар сони 46 тага етади. Агар сперматозоидда X хромосома бўлса, бўлажак фарзанд қиз бўлади, агар У хромосома бўлса, ўғил бола дунёга келади. Демак, XX – қиз, XУ – ўғил бола дегани. Бу қонун». Олимнинг бу хулосаси ўзбек оилаларида минг йиллардан буён давом этиб келаётган янглишувга бутунлай чек қўяди. Негаки, илк бор фарзанднинг қайси жинсга мансублиги фақат эркакка боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосли, ифода жиҳатдан тушунарли баён этилган.

Жуманазар ака халқ табобатига эҳтиром билан ёндашади. У билан ҳамкорлик қилиш, эътиборга молик жиҳатларини замонавий медицинага татбиқ этиш керак деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам: «...халқ табобати ва расмий тиббиёт бир-бирига ҳалақит бермайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради»,- дейди у. Олимнинг фикрича, касалликнинг функционал, яъни бошланғич даврида халқ табобатидан фойдаланиш жуда қўл келиши мумкин. Хасталикнинг органик даврида эса илмий тиббиёт ютуқларидан фойдаланган маъқул. Оғир даври ўтган касалликнинг асоратини бартараф этиш учун халқ табобати амалларини қўллаш самара беради. Негаки, халқ медицинасида кимёдан фойдаланилмайди, табиат неъматларига таяниб иш кўрилади.

Жуманазар Бекназаров — серқирра истеъдод эгаси. У фақат жарроҳ, фақат олим, фақат педагог эмас, балки истеъдодли ёзувчи ва куюнчак публицист ҳамдир. Жуманазар аканинг «Қамай» достони тилининг равонлиги, тасвирнинг самимийлиги, сюжетнинг қизиқарлилиги билан адабиёт мухлисларининг эътиборини қозонган. Олимнинг чин хоббиси бўлмиш шеърият унинг кўнгил дардлари ифодасидир. Жуманазар ака ҳеч қачон шоирлик ёки ёзувчилик даъво қилмайди. Ёзмаса бўлмайдиган ҳолатга келмагунча, қўлига қалам тутмайди ҳам. Лекин юрак безовта, кўнгил сертаъсир бўлгач, қўл ўз-ўзидан қаламга бориб қолаверар экан...

### ЎЗ ҚИШЛОҒИГА АЗИЗ МЕҲМОН

Жуманазар Бекназаров — тамомила ўзига хос шахс. Одамнинг аслида ким эканлиги йўлда билинади. Жуманазар аканинг юрагида доим эзгулик ўти ёниб турадиган одам эканига биргаликдаги сафарларда кўп бор тониғ бўлганман. Машҳур адабиётшунослар: Бегали Қосимов, Пирмат Шермуҳаммедов, Адҳамбек Алимбеков; катта шоирлар: Муҳаммад Али, Икром Отамурод, Эшқобил Шукур, молиячи Мирзамаҳмуд Жалилов каби эларо таниқли кишилар ҳамда докторнинг касбдошу шогирдлари билан мен ҳам Жуманазар аканинг қишлоғига кўп борганман. Машҳур докторнинг юртига бориши фақат қариндошлар учун эмас, балки бутун қишлоқ аҳли учун катта воқеа. Олимни уйида меҳмон қилиш қишлоқ кишилари учун шараф саналишини ўзим кузатганман. Баъзан бу борада қишлоқдошлар орасида маҳаллий миқёсда келишмовчиликлар ҳам бўлганига гувоҳман. Қамайга неча марта борган бўлсак, Жуманазар Бекназаровнинг ота ҳовлиси олдида тонг саҳардан ўнлаб беморлар навбатда турганини кўрганмиз. Дўхтир эргаштириб борган меҳмонларини ҳам унутгандай бўлиб, турли-туман касалликлардан чора излаб келганларни синчиклаб текширади ва даво тайин қилади. У муҳтож бўлиб келганларни текшираётганда, ўзини бошқа ташвиши йўқдай тутадики, бу беморларга дардларини бемалол айтиш имконини беради.

Жуманазар Бекназаров одамларга интилиб, уларнинг ташвишлари билан яшайди. Лекин бундан малолланмайди. Бу кишининг қирқ мингга яқин операцияда қатнашиш, шунча дўстлару қариндошлар билан борди-келди қилиш, ҳафтанинг деярли ҳар шанбаякшанбасида вилоятларга чиқиб кўргазмали операциялар ўтказишга қандай фурсат топганига одам ҳайрон қолади. Олимни фарзандлари: Зоир, Зариф; укалари: Юнус, Анвар, Баҳром, Комил, Олим ва бошқа жигарлари даврасида яйраб ўтирганини, умрининг тотли дамларини мароқ билан хотирлаганини кўп бор кузатганимдан қувониб юраман. Бундай вақтларда доктор яшариб, янада хаёлчан, янада романтик бўлиб, кайфияти кўтарилиб кетади.

Жуманазар ака — жуда қўли очиқ одам. Шунинг учун ҳам кўп йилдан бери «Оқгузар» қишлоғидаги мактабнинг ҳар бир синфидан биттадан, жами йигирма икки аълочи ўқувчига Йилбоши байрами куни ўз ҳисобидан стипендия беради. Шу мактаб кутубхонасига ҳар йили бир талай ўқув қуроллари, бадиий китоблар топширади. Бизлар ҳам ўша куни унинг ёнида бўлиб, стипендиантларни тақдирлашда қатнашамиз. Олим ўзи бераётган китобларни бизнинг номимиздан топширади. Кўнгли тоза жўра, қўли гул жарроҳ, туйғулари покиза ижодкор, амаллари эзгу олим, ҳиммати баланд одам бўлган дўстимизга узоқ йиллар омонлик тилаймиз.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШ**

## Муҳокама учун мавзу

# ТОПГАНИНГИЗ ТЎЙГА БУЮРСИН

***Биз ўзбекларда ҳаётнинг энг бахтли лаҳзаларини тўй, дейдилар. Бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи, уй тўйи, кумуш тўй, олтин тўй ва ҳоказо. Бундай қарасангиз ўзбек фақат тўй учун туғилади ва тўй қиламан, деб яшайдиганга ўхшайди. Хирмон-хирмон ғалла уйган, карвон-карвон пахта етиштирган фермерга Анталияга бориб бир саёҳат қилиб келинг, деб кўрингчи. Ўғлимни уйлашим керак, қиз чиқараман, неварамнинг қўлини ҳалоллайман, уй қураман, деб кўнмайди. Эсимизни танибмизки, ота-бобомиздан қолган ва миллий менталитетга айланган бу урф-удумлар турли кўринишларда давом этган ва биздан кейин ҳам шундай давом этаверади. Буни удумшунослар абсурд, яъни ҳеч ўзгармайдиган, ўргартириб бўлмайдиган, қотиб қолган ҳақиқат, деб изоҳлашлари мумкин.***

Аслида шундайми? Келинг, дўппини олиб қўйиб, бир мулоҳаза юритайлик. Тўйларимизнинг узоқ тарихини ковлаштирмасдан, келин-куёв базму жамшиднинг тўрида ўтирадиган ҳозирги тўйлар бизда қачон урф бўлган, деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Газеталарнинг эски тахламларини варақласак, ўтган асрнинг 60-йилларида «комсомол тўйлари» деган хабарларга ва талқинларга дуч келамиз. Ўша давр мафкураси коммунистик анъана сифатида бундай тўйларни ҳар томонлама рағбатлантирган. Ҳозир эллик ёшнинг нари-берисидаги кишиларнинг аксарияти шундай комсомолча тўйларнинг бош қаҳрамонлари бўлишган. Яхши эслайман, қишлоғимизда биринчи бўлиб комсомол аъзолари ўқитувчи Аҳмаджон ака Садриддинов ва ҳамшира Ойинисо опанинг тўйи шу тахлитда ўтган эди. Аниқроғи, колхоз фаоллари партком секретари бошлиқ янги коммунистик анъаналарни ўзига тўқ шу оиладан бошлашган эди. Шундан кейин қишлоқ ёшларига комсомолча тўйлар маъқул бўлиб қолди. Унинг изидан машинанинг олдига кўзи кўм-кўк қўғирчоқ боғлаб ЗАГСдан ўтиш урф бўлди. Ҳукумат эса бу удумларни ҳар томонлама рағбатлантириб турди. Шу жиҳатдан мошин қаторлаштириб ЗАГСдан ўтишни ва келин-куёвни тўйхона тўрига ўтқазиб базму жамшид қилишни коммунистлардан қолган одат, коммунистик иллат, дейиш мумкин.

* * *

Йигит оиланинг тўнғич фарзанди, студент эди. Ота — совхознинг донгдор сувчиси, қарамоғида 12 жон бор. Ўғлимни уйлайман, тўй қиламан, деб бир ҳафта аввал совхоз фаолларини кечки маслаҳат зиёфатига чақирди. Директор бошлиқ бир гуруҳ фаолларнинг оқ фотиҳасидан кейин, машъал сувчига қисқа муддатли жавоб берилди ва тўй жўнатар ҳамда келин олиб келинадиган кунлар учун юк машинаси ажратилди. Эртаси куни маслаҳат оши бўлди. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўст-биродарлар вазифаларни бўлишиб олдилар: айтувчи, ошпаз, самоварчи, нонвой, дастурхончи, ўртакаш, тартиб сақловчи, баковул ва бошқа хизматбардорлар аниқлаб қўйилди.

Бунгача йигит бир йил таътилда ўзи яшайдиган уйнинг пойдеворини тиклаб, ғиштини қуйди. Иккинчи йили ота-ўғил хавозасини кўтариб, томини ёпишди. Тўй бўладиган ёзда тўрт курсдош дўстини ҳашарга чақириб, уйини сувоқдан чиқарди, оқлади, бўяди. Хуллас, бир йигит дунёга келиб бир уй солади-да, деган ота-боболар удуми амалга ошди. Мана энди бир ҳафтадирки, икки хоналик, олди пешайвон шинамгина янги уй тўй баҳона қариндош-уруғлар ва дўст-жўралар билан гавжум.

Тўйга уч кун қолганда Файзулла тракторчининг Газ-21 волгасида ЗАГСдан ўтиб, келинни янгаси ва яқин дугонаси билан шаҳар айлантириб келди. Енгил тушсин, деб зиёфатини бир қариндошларининг уйида ўтказишди. ЗАГС қоғозини ёзиб беришни тезлатиш учун қишлоқ советининг котиби ҳам ўтиришга таклиф этилди. Йигит ёлғизқўл отасига оғирлиги тушмаслиги учун тишини тишига қўйиб ҳаммасига чидади. Ҳатто тўй дастурхонига арақ қўйдирмоқчи эмас эди. Бироқ, чапани бир қариндоши, эл-халққа гап бўламиз, деб отани ичимлик олиб келишга мажбур қилди. «Санъаткорлар» билан савдо хомроқ бўлган экан шекилли, тўй яримламай улар дов-дастгоҳини қўлтиқлаб жўнаб қолишди. Базмни куёв-келиннинг дўстлари, куёвжўралар давом эттиришди.

Гап тўйнинг қандай ўтганида эмас экан. Ёш оила ўзидан кўпайди. Йигит пойтахтда ишлаб қолди. Хотинини ҳам дорилфунунда ўқитди. Икки қиз, икки ўғилни рисоладагидек тарбияладилар. Амал пиллапояларидан кўтарилиб, бир куни йигитнинг елкасига офтоб текканида кўнглининг бурчагида қолиб кетган армон кўз очди: шунинг учун ўғлининг тўйини пойтахтнинг биринчи ресторанида ўтказди. Санъаткорларнинг бири келиб бири кетар, бу ёқда навбат тегмай қолгани қанча бўлди. У четидан бу чети зўрға кўринадиган базмхонага разм солиб, бизнинг давримизда бу дастурхонга бутун маҳалланинг йигитлари уйланса бўлар эди, деган ўй хаёлидан кечди-да, шошиб тўйхона остонасига ўтди. Тўйхонадан ташқарига тутаб чиқаётган хира ҳовур пардасидан отасининг нуроний чеҳраси сузиб ўтгандай бўлди. Бу кунларни кўролмай кетдилар-да, деган армон хаёлига от солиб кирганда, тўйхонадан хотини чақириб қолди: обрўли меҳмонларга, яхши ўтирибсизларми, деб мулозамат қилиб чиқишлари керак экан. Барибир тўй эгаси шу оқшом, тўйдан кейин бир қанча вақтгача мих устида ўтиргандай юрди. Чунки тўйларни дабдабасиз, ортиқча чиқимларсиз ўтказиш тўғрисидаги Фармон уни таъқиб қилаётган эди.

* * *

Ота ниҳоятда серулфат, давраларнинг гули бўлиб келган шинаванда эди. Ўғлини ўзидан-да замонавий қилиб ўстирди. Русча боғчага берди, рус мактабида, кейин Россиянинг энг катта дорилфунунида ўқитди. Кунлардан бир кун қизини узатиб, ўғлини уйлайдиган бўлиб қолди. Отанинг бирдан-бир орзуси тўй баҳона катта зиёфат тузаб, энди дўст-жўраларига ўзи меҳмоннавозлик кўрсатиш эди. Бироқ ўғил, тўйни эскича ўтказаман, деб туриб олди. Келиннинг отаси нозик жойда ишлар экан, қандайдир рўйхатга тушиб қолишдан қўрқиб, буни қатъиян рад этди. Амаллаб куёвни кўндиришди. Тўй бинойидек ўтаётган эди. Бир пайт куёвбола ўрнидан шартта туриб жўнаб қолса бўладими. Отанинг, тоғанинг дўст-жўралари ва қуда томоннинг дастурхонига ичимлик тортилгани унга ёқмапти. Куёв эътиқод қиладиган диний оқимда ичкилик ичишдан тортиб, кушхонада сўйилган мол гўшти-ю нон заводида ёпилган бўлкагача мусулмон кишининг истеъмол қилиши ножоиз эмиш. Мана шундай хархаша-ю кўнгил хираликлар билан кечган тўйдан кейин уч-тўрт ой ўтгач, келин-куёвнинг қўшни давлатнинг одам бормас кунжакларида яшириниб юрган диний-экстремистик гуруҳ жангарилари томонига ўтиб кетгани ҳақида узунқулоқ гапларни эшитдик. Ҳозир уларнинг на ўлганию, на тиригини биров билмайди.

* * *

Бирга ишлайдиган ҳамкасабамиз укасининг тўйига таклиф қилиб қолди. Тўй фалон ресторанда ўтади, фақат эскича ўтади, деб қўшиб қўйди у. Шу тўйда қатнашган бошқа бир ҳамкасабамиз гапириб берди: «Келин ҳижобга кирган экан. Шунинг учун хотин-қизлар алоҳида, йигитлар алоҳида залда ўтиришди. Қолган ҳаммаси аввалгидек. Эркаклар давраси қандайлигини билмадиму, келиннинг давраси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»идаги қизлар мажлисига ўхшаб кетар экан. Тўй яхши ўтди».

Жиянининг тўйида қатнашиб келган шифокор дўстимиз Андижон томонларда ҳам айрим тўйлар ана шундай — аёллар ва эркакларнинг алоҳида-алоҳида маросими билан ўтаётгани ҳақида гапириб берган эди. Ичимликсиз, хашаки «санъаткорлар»нинг бачкана қилиқларисиз ўтаётган бундай тўйларнинг ибратли жиҳатларини қабул қилиш мумкин. Бироқ Мавлоно Жамолиддин Румий, гап суратда эмас, сийратда, деганларидек буни ақидапарастлик ўзанига буриб юбормаслик керак. Чунки бугун тўйини алоҳида ўтказиб, эртага аёллар мактаби, институти ёки ишхонасини орзу қилиш Ўзбекистоннинг дунёвий жамият барпо этиш сиёсатига мос келмайди.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари шахс эркинлигини ҳар жиҳатдан кафолотлайди. Шу жумладан тўй-тўйчиғини қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида, фақат «Элдан чиқма», «Маҳалладан ажралма», «Кўрпангга қараб оёқ узат» каби халқона талаблар доирасида бўладиган иш. Бунга амал қилмаслик турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин.



### От минсанг, юган сол...

Авваллари келин куёвникигача безатилган отда ёки аравада олиб борилган. Ҳозирда бу удум тубдан ўзгариб, от-арава ўрнини замонавий автомобиллар эгаллади. Бу яхшию, аммо... «От минсанг, юган сол» ёки бўлмаса, «Отга минсанг бошингни, ерга тушсанг отингни ўйла» деган ибратли мақолларимиз тамоман унутиб қўйилгани кишини ўйлантиради.

Айрим ўйинқароқ, ҳавaскор ҳайдовчиларнинг масъулиятни унутиб, «ЗАГС сайри»ни кўпкари ёхуд пойга майдонига айлантириб юбориши турли хил кўнгилсизликларга олиб келмоқда.

Бундан бироз аввал Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси яқинида автоҳалокат содир бўлди. Тўй арафасида рўй берган мазкур автоҳалокатда 5 нафар ёш мантиқсиз сайру сафонинг қурбонига айланди. Нарпай тумани Янгиқўрғон қишлоғидаги никоҳ тўйларидан бирида ҳам шу ҳолат такрорланди. «Тошкент — Бухоро» йўналишида ҳаракатланаётган «Матиз» кимўзар пойга давомида ағдарилиб кетган. Оқибатда яхши ният билан тўйга келган 3 нафар йигит-қиз воқеа жойининг ўзидаёқ жон таслим қилишган. Салондан отилиб кетган келиннинг дугоналаридан бири эса ҳали-ҳамон тўшакдан тургани йўқ.

Мудҳиш фожеа оқибатида ёш умри хазон бўлган келиннинг дугонаси ва куёвжўраларнинг хонадонларига бориб, яқинларига ҳамдардлик билдириш ниҳоятда изтиробли. Воқеага гувоҳ бўлган айрим кишиларнинг фикрларини эшитинг-а:

**Ориф ота Аҳмедов, меҳнат фахрийси**

— Бекатда ўтирсам, бир гала машина қуюндай ёпирилиб келаяпти. Ҳайдовчилар кетма-кет сигнал қилишиб, «ҳо-ҳо»лаб кулишади, бир-бирига сигарета узатишади. Нега бундай олифтагарчиликлар айнан тўй кунлари ихтиёр этиларкин? Наҳотки бундай тартибсизликларни «рамка»га солишнинг иложи бўлмаса? ДАН ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фаоллари нега бу борада ҳанузгача бир хулосага келишмаяпти?

**Шуҳрат Самадов, «Қадим» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси**

— Тўғрисини айтсам, бу номаъқулчилик ўзимнинг бошимдан ўтган. Ўтган йили ўғлимни уйлантираётиб, «ЗАГС» учун 4 та машина тайинлаб қўйган эдик. Бироқ тўй куни машиналар сони белгиланганидан кўпайиб кетди. Ўғлимдан «бунча машиналар қаердан келди?» деб сўрасам, «дадажон, синфдошларим ҳар бири биттадан машинани қўшан қилишди», деди. Бироқ унинг гапига кўниб хато қилганимни мана энди тушуниб етаяпман.

Тўйлар мавсуми бошланган айни дамларда барча маҳалла фуқаролари йиғинлари қошида «Тўй ҳайъати» тузиб чиқдик. Эндиликда ана шу ҳайъат аъзолари ва тўй қилувчи ўртасида расмий келишув баённомаси тузиладиган бўлди. Туман ДАН бўлимига махсус мурожаатнома тайёрлаб юборишга келишдик.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ишонч» мухбири**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Халқимиз ҳаётида тўйнинг алоҳида ўрни бор. Тўй маънавиятимиз белгиси, орзу-умидимиз рамзи. Яхши кунларимизда дастурхон ёзиб элни чорлаймиз. Хурсандчиликда, дўсту ёрлар иштирокида ўтган бу куннинг саодати йилларга татийди. Аммо кейинги пайтларда турли удумлар тўйларимизга соя ташламоқда. Айниқса никоҳ тўйида ким ўзарга машиналар карвони билан ЗАГСга бориш. Ахир бунинг ўрнига куёвжўралар «қўшан» пулига икки ёш учун эсда қоларли бирор совға қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди, назаримизда. «От минганники» қабилида ўтаётган бир-икки соатлик сайрнинг аянчли оқибатининг олдини олиш ўз қўлимизда.**


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**«Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ 2006 йил 26 сентябр ва 3, 10, 17 октябр кунлари «Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси» биносида соат 11.00 да аукцион савдоларини ўтказади**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани суд ижрочилари бўлинмаси аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Бектемир тумани Худойқулов кўчаси 53-уй манзилда жойлашган «Ўз-Омега-Текс» қўшма корхонасига тегишли қуйидаги мулкларини қўймоқда.

1. *80 тоннадан иборат «ВАТА ТЮФЯЧНАЯ» (1 тоннаси 780 000 сўм).* **Бошланғич баҳоси — 62 400 000 сўм.**

2. *20 тоннадан иборат «ВАТА ПРИМА» (1 тоннаси 858 200 сўм).* **Бошланғич баҳоси — 17 164 000 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пули тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган мулклар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

***Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.***

***Телефон: 138-69-70.***



**Ishonch**

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Пиримқул Қодиров, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Маъмура Адилова, Ғуломзокир Юсупов, Соғиндиқ Ниетуллаев, Элёр Ёқубов, Виктор Зверов ("Доверие" газетаси бош муҳаррир ўринбосари), Шамси Эсонбоев, Ойсулув Нафасова, Алла Долженкова, Шавкат Абдуллаев

Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 7556 | E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru | Буюртма Г— 1014

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Навбатчи - А.Юнусов
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.00